

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ”**

**факультети**

**«ИҚТИСОДИЁТ»**

**кафедраси**

**“Корхона иқтисодиёти”**

**фанидан**

**Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида  
корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари**

**мавзусидаги**

# **КУРС ИШИ**

**Бажарди:** «Иқтисодиёт» 3 курс  
ИК-112 гуруҳи талабаси С.Абралов.

**Иш раҳбар:** «Иқтисодиёт»  
кафедраси ўқитувчиси З.Артиков

**САМАРҚАНД– 2015**

# **Мавзу: Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари**

**Режа:**

## **Кириш**

- 1. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти ва корхона фаолиятидаги аҳамияти**
- 2. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезонлари ва кўрсаткичлари**
- 3. “Самарқанд Парранда” ОАЖ қўшма корхонаси даромад ва харажатларнинг таҳлили**
- 4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш бўғинларини бошқаришнинг аҳамияти**
- 5. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

## **Хулоса ва таклифлар**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва фирмаларда самарадорликка оид масалалар ўта муҳим ҳисобланади. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳатлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Хусусан, саноат соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатларда ривожланиши натижасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имконияти яратилди. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодий диверсификациялаш ва энг муҳим тармоқларни модернизациялаш жараёнида корхоналарни доимий равишда ўзгартириб боровчи бозор муносабатлари шароитида барқарор иқтисодий ривожланиши, уларнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Чунки, корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишни таъминлаш, ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва савдо хизмати кўрсатиш сифати ҳамда унинг натижадорлигини ошириш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш масалалари соҳанинг ўзига хос муаммоларидан бири ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги қуйидаги фикрлари ҳам саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади: “Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб

киладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чоратadbирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди”<sup>1</sup>.

Мавзунинг долзарблиги ҳозирги шароитда корхоналар ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали уларни хўжалик фаолиятини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш масалаларини етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги ва бу борада бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

**Курс ишининг мақсади** - Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Курс ишининг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти ва корхона фаолиятидаги аҳамиятини ёритиш;
- Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш;
- “Самарқанд Парранда” ОАЖ қўшма корхонаси даромад ва харажатларнинг таҳлил қилиш;
- Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш бўғинларини бошқаришнинг аҳамиятини асослаш
- Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини кўрсатиш.

Курс иши кириш, бешта савол, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь.

## 1. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти ва корхона фаолиятидаги аҳамияти

Самарадорликни бутун иқтисодиётдаги, унинг тармоқлари ва соҳаларидаги муаммоларининг долзарблиги бир қатор илмий-назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишни талаб қилади. Ушбу масалалар қаторига, бизнинг фикримизча қуйидагиларни киритиш мумкин:

- самарадорликнинг моҳияти ва тушунчаси;
- самарадорлик турларининг (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, техник-технологик, жамият, ҳудуд, корхона миқёсидаги кабилар) ўзаро боғлиқлиги, фарқлари, бир-бирига таъсир қилиш миқдорларини аниқлаш;
- самарадорлик мезонларининг моҳияти, тушунчаси, белгиларини асослаб бериш;
- самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш, бир тизимли ҳолатга келтириш;
- самарадорлик кўрсаткичларини танланган объект доирасида тадқиқот қилиш, уларнинг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш;
- самарадорликни оширишнинг йўллари аниқлаш ва башорат қилиш кабилар.

Юқорида келтирилган масалалар бўйича иқтисодий адабиётларда кўплаб қарашлар мавжуд бўлиб, улар асосан альтернатив характерга эга. Уларнинг умумий томони самарадорлик нисбий кўрсаткич ҳисобланиб, уни «харажат» ва «натижани» солиштириш орқали аниқлашни тавсия қилишади.

Бизнинг фикримизча, самарадорликка бундай бир томонлама ёндошиш муаммоли масала бўлиб, самарадорликни моҳияти, тушунчаси, мезони ва кўрсаткичларини илмий-назарий ва амалий тадқиқот қилишда системали, кенг маънода, ҳар томонлама қараш зарур.

«Эффект» лотинча «effectus» сўздан олиниб «Словарь иностранных слов»да таърифланишича «... 1) действие, результат чего-л. (напр. э.лечения); 2) впечатление, производимое на кого-л. кем-л, чем-л.; 3) средство, прием для создания определенного впечатления (напр., световое,

шомовие эффе́кты в театре). Шу луғатда «Эффективный» (лот. *effectivus*) – дающий определенный эффект, действенный (напр., э-ные меры). «Эффектный» - производящий впечатление, эффект, привлекающий внимание, бросающийся в глаза» деб таъриф берилган<sup>2</sup>.

С.И.Ожогов «Словарь русского языка»да юқоридаги таърифларни айнан қайтаради<sup>3</sup>.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «самара», «самарадор», «самарадорлик», «самарали» сўзлари келтирилиб, уларга изоҳ берилган. Унда ёзилишича «самара» - натижа, оқибат. «Самарадор» - кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермахсул. «Самарадорлик» - иқтисодий самарадорлик. Меҳнат самарадорлигини оширмақ. «Самарали» - самарали иш. Самарали меҳнат. Самарали таъсир кўрсатмақ. Ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланмақ деб таъкидланган<sup>4</sup>.

Ишлатилаётган сўз, атама (термин)нинг асл мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, самарадорлик, у қайси турда бўлишидан қатъий назар, инсон фаолиятининг «натижасини» англатади.

Самарадорлик тўғрисида фикр юритилганда шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай чора-тадбирлар бир томондан ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара берса, иккинчи томондан иқтисодий самара бериб, ҳар доим, ҳар соҳада ижобий, ижтимоий натижа бермаслиги мумкин.

Натижа ижобий ёки салбий характерга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, давлатлараро урушлар натижаси бир томон учун ютуқ бўлса, иккинчи томон учун ютқазмиш ҳисобланади.

Уран қазиб олиш, уни қайта ишлаш бир томондан ушбу давлат учун иқтисодий ва сиёсий самара берса, бошқа давлатлар учун бу хавф-хатар туғдирувчи омил бўлиб, салбий оқибатларга олиб келади.

Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, уни модернизация ва диверсификация қилиш натижасида аҳолининг моддий фаровонлигини

---

<sup>2</sup> Словарь иностранных слов. – М.: изд. «Русский язык», 1979. – С. 595.

<sup>3</sup> Ожогов С.И. Словарь русского языка. «Советская энциклопедия». М.: 1973. – С. 837.

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти. 1981. – Б.17

юксалтиришга, яъни ижтимоий самарани оширишга, давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсати – минимал иш ҳақини ошириш, ижтимоий фондлардан имтиёзлар бериш, ўсиб келаётган ёшларни тарбиялаш, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, экологияни яхшилаш, жисмоний тарбияга йўналтирилган харажатлар охир натижада меҳнат унумдорлигини оширишга, ЯИМни кўпайишига, яъни иқтисодий самарани оширишга олиб келади.

Илмий-назарий нуқтаи-назардан самарадорликни учта йирик гуруҳга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: биринчидан, жамият миқёсида; иккинчидан, ҳудудлар миқёсида; учинчидан, хўжалик тузилмалари, субъектлари миқёсида (концерн; холдинг; ассоциациялар; ҳар хил бошқа бирлашмалар; корхоналар; муассасалар ва ҳ.к.).

Ушбу умумий йўналишлар ичида самарадорликни турларга ажратиб тадқиқот қилиш зарур. Самарадорлик турларини умумий ва функционал нуқтаи назардан таснифлаш мумкин.

Умумий самарадорликка: «ижтимоий-иқтисодий»; «иқтисодий»; «ижтимоий»; «сиёсий»; «техник-технологик»; «экологик» кабиларни киритиш мумкин.

Функционал самарадорликка: «ижтимоий ишлаб чиқариш»; «транспорт»; «алоқа»; «савдо»; «умумий овқатланиш»; «маиший хизмат»; «туризм» ва бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари. Ушбу гуруҳга иқтисодиётни ҳаракатга келтираётган омилларнинг самарадорлиги, яъни ер, капитал, меҳнат самарадорлиги киради. Ушбу омиллар ичида ишлатилаётган ресурслар турлари бўйича ҳам самарадорлик таснифланиши мумкин.

Биз юқорида келтирганимиздек, иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг моҳияти, тушунчасига кўплаб ҳар хил қарашлар мавжудлиги каби, унинг ҳар хил мезонлари ва кўрсаткичлари тасниф қилинади. Кўпчилик муаллифлар самарадорлик нисбий кўрсаткич деб таъкидлаб, у олинган (эришилган) натижа билан харажатлар нисбати орқали аниқланишини тавсия қилишади.

## **2. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезонлари ва кўрсаткичлари**

«Самара», «натижа» ўз табиатига биноан сон ва сифат кўрсаткичларида ифодаланadi. Сон кўрсаткичлар сифатида абсолют миқдорлар – қиймат, натурал ва шартли ўлчов бирликларида ифодаланса, сифат кўрсаткичлари сифатида ҳар хил солиштирма, яъни нисбий кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин.

«Критерия» сўзи грекча «Kriterion» сўзидан олинган бўлиб, унинг асосида нимагадир баҳо бериш аломати, нимадир аниқланиши ёки таснифи, ўлчови деган маънони билдиради<sup>5</sup>. «Критерия» атамасининг ўзбекча маъноси «мезон» сўзини англатади.

Мезонни ходисалар, жараёнлар, ҳолат ва бошқаларни сифат мазмунини ўлчови, улар тўғрисидаги фикрнинг аломати деб тушуниш лозим. Унинг сон ўлчовлари кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Корхонанинг самарадорлик мезони тўғрисида фикр юритганда тизимли таҳлил, тизимли муносабатни ишлатиш лозим. Самарадорлик мезони ходисалар, жараёнлар ва ҳолатни сифат белгиси сифатида тизимни, тармоқни ёки корхонани фаолият юритишининг мақсадини акс эттириши зарур.

Самарадорликнинг моҳияти, мезони ва кўрсаткичларини аҳоли истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар мисолида кўриб чиқамиз.

**Корхонанинг мақсади икки томонлама характерга эга бўлиб, бир томондан, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини тўлароқ қондириш бўлса, иккинчи томондан оптимал миқдорда фойда олиш ёки оптимал рентабелликка эришишдир.**

**Ушбу кўрсаткичларни максималлаштириш корхона самарадорлигининг мезони бўлиб ҳисобланади.**

Хорижий давлатлар тажрибасидан шундай хулоса қилиш мумкин: бош мақсад энг юқори иқтисодий натижага эришиш, яъни максимал фойда олиш. Ушбу мақсадга эришиш воситаси сифатида аҳолини истеъмол товарларга

---

<sup>5</sup> Словарь иностранных слов. М.: Русский язык. 1985. С. 262.



талабини тўлароқ қондириш ҳисобланади. Ушбу мақсад ва унга эришиш воситаси ўртасида сабаб ва оқибат алоқалари ётади. Сабаб ўзаро таъсир бўлса, оқибат – бу ўзаро таъсир натижасидир. Бундай ҳолатдан келиб чиқсак сабаб аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш бўлса, натижа максимал (ёки оптимал) фойда олиш бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқори фойда олишни таъминловчи сабаб сифатида аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган назарий хулосалардан келиб чиқсак, савдо соҳаси, корхонаси самарадорлигининг ўлчов бирлиги сифатида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур эканлигини асосламоқда.

Корхонанинг самарадорлигини ўлчаш ва баҳолашни қуйидаги аломатлар бўйича гуруҳлаш зарур:

биринчидан, умуман миллий иқтисодий манфаати нуқтаи назаридан;

иккинчидан, истеъмолчи (аҳоли) манфаати нуқтаи назаридан;

учинчидан, корхона (мулкдор, бошқарув ходимлари ҳамда ишчилар)

манфаати нуқтаи назаридан.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик - чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда эришилган, аҳолининг ижтимоий иқтисодий истеъмол даражасини юксалтиришдир.

Ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларнинг қондирилиши - инсон камолотининг юксалиши, моддий ва ижтимоий фаровонлигининг ўсиши, маданий ва маънавий жиҳатдан ривожланишида кўринади. Инсон фаровонлиги ҳамда камолоти нақадар юксалса, шу қадар юқори ижтимоий-иқтисодий самарадорликга эришган бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги унинг пировард мақсад натижасида ўз ифодасини топади. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик таркибида иқтисодий самарадорлик алоҳида эътиборга эга.

Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. Ишлаб

чиқариш жараёнида омиллар (ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик) харажат қилинади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади. Харажат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади.

Ишлаб чиқаришнинг натижаси ижтимоий самарадорлик орқали ҳам ифодаланади. Корхонанинг ижтимоий самарадорлиги мезони истеъмолчиларни эҳтиёжларини қондирилиш даражаси билан белгиланади. Ижтимоий самарадорликнинг кўрсаткичлари аҳолининг даромадлар миқдори, иш билан бандлиги, саломатлигини сақлаш, меҳнат малакасини юксалтириш, маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтлари кабиларни аниқлаш билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги - мураккаб категориядир. Унда ишлаб чиқариш натижаларига ҳамда, харажатларига таъсир кўрсатувчи омиллар мужассамлангандир. Унда ишлаб чиқариш натижаларининг ўсиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ҳамда маҳсулот ассортиментини тузилишининг ижтимоий эҳтиёжлар тузилишига тўғри келишида ўзининг аксини топади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- \* Маҳсулот сифати ва таркибининг яхшиланиши;
- \* Жонли меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- \* Материал сарфининг камайиши;
- \* Фонд самарасининг ошиши.

Юқоридагилардан шуни англаш лозимки, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўлчаш учун кўрсаткичлар тизими зарур.

Бу кўрсаткичлардан энг муҳими ижтимоий меҳнат унумдорлигидир. У вақтни тежаш қонунининг амал қилишини ифодалайди. Бу кўрсаткични қуйидаги усулда аниқлаш мумкин:

$$\begin{array}{c} \text{МД} \\ \text{И.М.У.} = \text{—————} \\ \text{ЖМ} \end{array}$$

Бунда: ИМУ - ижтимоий меҳнат унумдорлиги;

МД - миллий даромад;

ЖМ - моддий ва хизмат, ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларида банд бўлган ишчиларнинг ўртача сони.

Миллий даромад иқтисодиётнинг энг муҳим кўрсаткичи, самарадорлик мезони ва жамият бойлигини тўла тавсифлайди. У мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва барқарор ривожланишининг моддий манбаидир. Шунинг учун ҳам уни оширишнинг барча воситалари ва йўллари ишга солинади.

Миллий даромад - бу моддий ишлаб чиқариш тармоқларида ва хизмат соҳасида яратилган қийматдир. У ялпи ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмидир. Аниқроқ айтганда, у ялпи ижтимоий маҳсулот қийматидан ишлаб чиқариш ва хизмат жараёнида сарфланган хом-ашё, ёнилғи, энергия ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларини чиқаришдан кейин қолган қийматдир.

Миллий даромаднинг ўсиши асосан иккита омилга - ишлаб чиқаришда банд бўлган кишиларнинг сонига ва улар меҳнат унумдорлигининг ошишига боғлиқ. Бу икки омил жамият тараққиётининг турли даврларида турлича аҳамиятга эга. Фан-техниканинг шиддатли тараққиёти рўй бераётган ҳозирги шароитда иккинчи омилнинг роли ошмоқда.

Моддий ишлаб чиқаришнинг айрим тармоғларида унумдорлик ялпи маҳсулот нисбати орқали аниқланади. Ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатини аниқлаш учун кўрсаткичларни таққослаш, ҳамда таққослама нархларда кўриш зарур эканлигини ҳисобга олиш шарт.

Меҳнат унумдорлигининг ошиши ходимлар малакасига, уларнинг тажрибасига, ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш даражасига боғлиқ. Меҳнатнинг фонд билан қуролланиш миқдори (айниқса сифати)

унумдорликка сезиларли таъсир этади. Фонд билан қуролланиш (Ф.К.) фондлар қийматининг ишчилар сонига нисбати кўринишида ўлчанади ва қуйидаги формулада ифодаланади:

$$\text{ФК} = \frac{\text{Ф}}{\text{И.с.}}$$

Ф - асосий ишлаб чиқариш фондларнинг қиймати

И.с. - ишчилар сони

Мисол: Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларини ўртача йиллик қиймати 40,0 млн. сўмни ташкил этади. Корхонада 120 киши ишлайди. Корхона ишчиларининг фондлар билан қуролланганлиги  $40,0:120=333,3$  минг сўмга тенг.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан қараганда меҳнат унумдорлигининг ҳар қандай ошиши эмас, балки жонли меҳнатни тежаш, унинг техника билан қуролланиш даражасининг ўсишига кетган қўшимча харажатларни мумкин қадар қисқа муддатларда қоплайдиган даражада ошишигина самаралидир.

Меҳнат унумдорлигининг яна бир кўрсаткичи меҳнат сиғимидир. Бу кўрсаткич яратилган маҳсулот қийматига тўғри келадиган меҳнат харажатлари тусида бўлади. Уни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\text{МС} = \frac{\text{Мс}}{\text{Мх}};$$

Бу ерда: Мс - меҳнатнинг сарфи;

Мх - маҳсулотни ҳажми, миқдори.

Бу кўрсаткич меҳнат унумдорлигининг тескариси бўлиб унинг ҳажми қанча юқори бўлса, натижанинг ёмонлашганлиги ва акси бўлса, (яъни паст бўлса) натижанинг яхшиланганлигидан далолат беради. У асосан корхона даражасида аниқланади.

Мисол. Корхонада бир сменада - 8 соатда 800 та енгил машина детали ишлаб чиқарилди: бу 1 соатда 100 дона детал ишлаб чиқарилганлигини кўрсатапти (800:8).

Ишлаб чиқариш корхоналарида аниқланиши мумкин бўлган технологик меҳнат сиғимини, ишлаб чиқариш меҳнат сиғимининг тўлиқ меҳнат сиғимини фарқлаш ва англаш лозим.

Ижтимоий маҳсулот сиғими - бу кўрсаткич хом-ашё материаллар, ёнилғи, энергия ва бошқа меҳнат предметларини харажатларнинг янги ижтимоий маҳсулотга бўлган нисбати билан аниқланади.

Корхоналарнинг маҳсулот сиғими шу маҳсулотни яратилиши учун кетган моддий харажатларнинг жами ишлаб чиқарилган маҳсулотга бўлган нисбати орқали аниқланади. Яъни:

$$M_{\text{хС}} = \frac{M_{\text{х}}}{I_{\text{м}}};$$

$M_{\text{хС}}$  - маҳсулот сиғими турли ўлчовларда;

$M_{\text{х}}$  - моддий харажатларнинг умумий ҳажми;

$I_{\text{м}}$  - ишлаб чиқилган маҳсулот умумий ҳажми.

Корхона фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларидан яна бири маҳсулотнинг капитал сиғимидир. Маълум бир даражада капитал сиғими ҳамда фондлар сиғими бир-бирига яқин кўрсаткичлардир.

Маҳсулотнинг капитал сиғими одатда ишлаб чиқилган маҳсулотни кўпайган (ўсган) қисмининг капитал қўйилмалар нисбати билан аниқланади.

Бу кўрсаткични қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$K_0 = \frac{K}{\Delta O}$$

Бу ерда:  $K_0$  - маҳсулотни капитал сиғими;

$K$  - капитал қўйилмаларни умумий ҳажми;

$\Delta O$  - яратилган умумий маҳсулотнинг ўсган қисми.

Жамият Республика даражасида бу кўрсаткич капитал харажатларнинг миллий даромадга нисбати кўринишида ҳисобланади.

Корхона даражасида фондларни самарадорлигини ҳисоблаганда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$F_c = \frac{F}{O}$$

Бу ерда:  $F_c$  - фондлар сиғими;

$F$  - асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача қиймати;

$O$  - яратилган маҳсулотнинг умумий ҳажми (одатда ялпи маҳсулот).

Фондлар сиғимини худди капитал сиғими сингари миллий даромадга нисбатида ҳам ҳисоблаш мумкин.

Халқ хўжалигида, унинг айрим тармоқларида, шу жумладан саноатда фондлар қайтими кўрсаткичи ҳисобланади. Бу фондлар сиғими кўрсаткичининг аксидир.

Фонд унуми (ФУ) асосий ишлаб чиқариш фондлардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди. У асосий фондлар муайян миқдорига тўғри келадиган маҳсулот миқдори билан ўлчанади.

$$\text{ФУ} = \frac{\text{ММ}}{\text{Ф}}$$

Бу ерда: ММ - маҳсулот миқдори.

Фонд унуми, меҳнат унумдорлиги ва унинг фонд билан қуролланиши ўртасида алоқа мавжуд. У қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$\text{ФУ} = \frac{\text{МУ}}{\text{ФҚ}}$$

Бу ерда: ФУ - фонд унуми;

МУ - меҳнат унумдорлиги.

ФҚ - меҳнатнинг фонд билан қуролланиши.

Бу боғлиқликдан шу нарса келиб чиқадики, меҳнат унумдорлиги меҳнатнинг фонд билан қуролланишига қараганда тезроқ ўсиб борган тақдирдагина фонд унуми ошади. Ва аксинча, агар меҳнат унумдорлиги ўсиши фонд билан қуролланишининг ўсишидан орқада қолса, фонд унуми пасаяди.

### 3. “Самарқанд Парранда” ОАЖ қўшма корхонаси даромад ва харажатларнинг таҳлили

Корхонанинг даромад ва харажатларини комплекс таҳлил этишдан асосий мақсад, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг даромад, харажат, фойда ва зарарлари таркибидаги структуравий ўзгаришлар тўғрисида аниқ ва ишончли маълумот-ларга эга бўлишдан иборат.

Таҳлил этувчини асосан корхонанинг жорий йилдаги молия-вий ҳолати, яқин йилларга мўлжалланган режаси ҳамда узоқ муддатларга мўлжалланган корхонанинг молиявий ҳолатини ифода-ловчи параметрлари кўпроқ қизиқтиради.

Даромад ва харажатлар таҳлили учун маълумотлар 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”да акс этади. Ўтган йил ва ҳисобот йилларига тегишли барча даромад ва харажатлар бу молиявий ҳисобот шаклида ифодаланган.

2-шакл маълумотлари асосида динамика тарзида даромад ва харажатлар таркиби, структураси, уларнинг ўтган йил ларга нисба-тан ўзгариши ҳамда даромадлардан самарали фойдаланиш, хара-жатларнинг мақсадга мувофиқ йўналиши таҳлил этилади.

**1-жадвал**

#### Корхона даромадининг таркиби, тузилиши ва динамикасининг таҳлили

Кўрсаткичлар	2013 йил		2014 йил		Ўзгариши (+,-)	
	сумма, минг сўм	жамига нисбатан, %	сумма, минг сўм	жамига нисбатан, %	минг сўм	улуши
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	12679864	99,46	14281693	90,2	1601829	-0.26
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	64791	0,51	1534188	9,7	1469397	+9.19
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	3633	0,03	18538	0,1	14905	+0.07
Жами даромадлар	12748288	100.0	15834419	100.0	3086131	-



1-жадвал маълумотлари асосидаги хулосалар шуни кўрсатадики, корхонада жами даромад манбалари 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 3086131 минг сўмга ортган. Жами даромад таркибидаги махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келган соф тушум салмоғи 2013 йилдаги 99,46 % дан 2014 йилга келиб 90,2 % га қадар пасайганлигига қарамай ўсиш мутлоқ суммаларда 1601829 минг сўмни ташкил этган. Даромадлар таркибидаги молиявий фаолиятнинг даромадлари ҳам ўсиш кўрсаткичига эга, яъни 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 14905 минг сўмга кўпайган. Даромадни ташкил этувчи асосий фаолиятнинг бошқа даромадларининг улуши 2013 йилда 0,51 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 9,7 % га етиб, ўсиш мутлоқ суммаларда 1469397 минг сўмни ташкил этган.

Корхона молиявий фаолият фаоллигини ошириш учун зарур чораларни ишлаб чиқиш керак.

Корхона даромади таркибидаги ўзгаришларнинг таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъект даромадларини янада ошириш имкониятига эга.

Бизнинг таҳлилда асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан кўрилган даромаднинг жами корхона даромадидаги ҳиссаси йил бошидаги 0,51% дан йил охирига келиб 9,7 % га қадар кўпайган. Улар таркибига қуйидаги даромадлар киради:

- қарздорлардан ундирилган жарима ва пенялар;
- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган дивидендлар;
- даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад;
- молиявий ёрдам ва бошқа даромадлар.

## Корхона ҳаражатларининг таркиби, тузилиши ва динамикасининг таҳлили

Кўрсаткичлар	2013 йил		2014 йил		Ўзгариши (+,-)	
	сумма, минг сўм	жамига нисбатан, %	сумма, минг сўм	жамига нисбатан, %	минг сўм	улуши
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	10898034	85.9	13495601	85.6	+2597567	-0.3
Давр ҳаражатлари, жами	1156746	9.12	892349	5.66	-264397	-3.46
Асосий фаолиятнинг бошка ҳаражатлари	-	-	32965	0.21	+32965	+0.21
Молиявий фаолият буйича ҳаражатлар	623861	4.92	1339837	8.49	+715976	+3.57
Даромад (фойда) солиги	1295	0.01	521	0.003	-774	-0.007
Фойдадан бошка солиқлар ва йигимлар	5851	0.05	5960	0.037	+109	-0.013
Жами ҳаражатлар	12685787	100	15767233	100	+3081446	-

Корхона ҳаражатлари (2-жадвал) 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 3081446 минг сўмга ортган. Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархининг жами ҳаражатларда тутган салмоғи 2013 йилдаги 85.9 % дан 2014 йилга келиб 85.6 % га қадар пасайганлигига қарамай ўсиш мутлоқ суммаларда 2597567 минг сўмни ташкил этган. Ҳаражатлар таркибидаги молиявий фаолиятнинг ҳаражатлари ҳам ўсиш кўрсаткичига эга, яъни 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 715976 минг сўмга кўпайган. Давр ҳаражатлари эса 2013 йилда 1156746 минг сўмни ташкил этган бўлса 2014 йилда бу кўрсаткич 892349 минг сўмни ташкил этиб 264397 сўмга камайган.

*Корхона даромади кўрсаткичларидан фойдаланиш динамикасининг таҳлили*

Т/р	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	Ўзгариши (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1	Даромад (Д)	12748288	15834419	+3086131	124.2
2	Харажат (Х)	12685787	15767233	+3081446	124.3
3	Фойда (зарар) (сатр.1-сатр 2)Р	62501	67186	+4685	107.5
4	Баланс активининг ўртача йиллик қиймати (А)	13704870	17866915	+4162045	130.3
5	Сотишдан келган тушум (N)	12679864	14281693	+1601829	112.6
6	Баланс активининг рентабеллик даражаси, % (сатр. 3: сатр.4) (f)	0.456	0.376	-0.08	82.5
7	Сотишдан кўрилган рентабеллик даражаси, % (сатр. 3: сатр.5) (X)	0.493	0.471	-0.022	95.5

Корхонанинг даромад ва харажатларининг таркиби, структурасини таҳлил этиш услуби амалиётда кенг қўлланилади, унинг натижалари эса аҳамиятга моликдир. Таҳлилни янада чуқурлаштириш мақсадида молиявий таҳлилда кенг қўлланиладиган коэффицентлар орқали 3-жадвал маълумотлари асосида маблағлар (харажатлар)дан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини баҳолаш лозим. Жадвалдаги даромад ва харажатларнинг ўсиш суръатлари бир-бирига яқин. Маҳсулот ҳажмининг ўсиши 112,6 фоизни ташкил этиб, даромад харажатларникига нисбатан юқори бўлган. Номлари юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларининг юқори даражада бўлиши баланс активининг рентабеллигининг 0,456 дан 0,376% гача, сотишдан кўрилган рентабелликнинг 0,493% дан 0,471% гача, камайган.

#### **4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш бўғинларини бошқаришнинг аҳамияти**

Корхона тараққиётнинг ҳамма босқичларида иқтисодиётнинг асосий ва бирламчи бўғини ҳисобланади. Албатта конкрет корхонани бошқариш фанларининг тузилмаси, уни бошқариш шакли ва усуллари унинг масштаби ва ихтисослигига боғлиқ бўлади. Умумий қилиб айтганда иқтисодиётимизда мавжуд бўлган турли мулк шаклларига асосланган корхоналар бир-бирови билан ўхшашлик ва фарқлари мавжуд. Ўхшашлиги шундаки ҳар қандай корхона маҳсулот, товар, хизматлар ишлаб чиқаради, маълум фаолиятни амалга оширади. Айнан ана шунда унинг бош мақсади ва вазифаси ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам уларни шакл ва турларидан қатъий назар, корхоналарни бошқариш асосида технологик жараёнларни бошқариш ётади.

Умумий ўхшашлигидан ташқари иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу биринчи навбатда турли соҳадаги корхоналарда ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил қилишдаги ўзига хос шароитлардир. Масалан, баъзи корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини узоқ муддатга чўзилиши ва жараёнларнинг мураккаблиги, уларни тайёрлаш ва хизмат қилиш операцияларининг ўзига хос хусусияти ва ҳоказолар. Корхоналар ўртасидаги фарқ, худди шундай ишлаб чиқаришни тайёрлаш жараёнининг босқичларида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, янги маҳсулотларни лойиҳалаш ва ускуналаш, лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган ҳисобларни амалга ошириш, меъёрий ҳисобларни амалга ошириш ва ҳоказолар.

Иқтисодиётнинг асосий бўғини ҳисобланган корхоналар мамлакаттимиз ва чет эл таъминловчилар билан кўплаб алоқаларни амалга оширадilar. Ушбу алоқалар хом ашё билан таъминловчилар ва истеъмолчилар билан амалга оширилади. Ана шу ўзаро алоқаларни сақлаб туриш ва

мувофиқлаштириш корхона бошқарувининг энг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бирон-бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун корхоналар ишлаб чиқаришнинг турли омилларидан фойдаланади. Буларга ишчи кучи, жиҳозлар, хом ашё, материаллар, ахборот, пул маблағлари киради. Шунга қараб корхонани бошқариш бир неча йўналишларга бўлинади. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни маданий-техник даражасини ошириш, (персонални) кадрларни бошқариш;
2. Корхоналарни ишлаб чиқариш фаолиятини техник-иқтисодий режалаштириш;
3. Ишлаб чиқаришни оператив бошқариш;
4. Корхонани техник ривожланишини ва ишлаб чиқаришни техник тайёргарлиги;
5. Маҳсулотлар сифатини назорат қилиш;
6. Меҳнатни ташкил қилиш ва иш ҳақи;
7. Ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминоти;
8. Тайёр маҳсулотни сотишни ташкил қилиш;
9. Молия фаолиятини амалга ошириш;
10. Ишлаб чиқаришга техник ва ташкилий-хўжалик хизматини ташкил қилиш.

Юқорида кўрсатилган йўналишларнинг йигиндисини чет мамлакатлар амалиётида корхона менежменти деб аталади. Администраторлар, корхона фаолиятининг бошқарувчиларини менежерлар дейиш қабул қилинган. Ушбу атама ҳозирги пайтда бизнинг Республикамизда чоп қилинган иқтисодий адабиётларда ва амалиётда кенг кўламда ишлатилмоқда.

Ҳозирги шароитда Республикамизда бир қатор корхоналарни бошқариш тузилмасининг турлари мавжуд. Корхона, компания, концернлар одатда бошлиқ ёки президент томонидан бошқарилади. Компания ва концернларни президенти стратегик раҳбарликни амалга оширади. Оператив бошқариш

ижрочи директорлар томонидан олиб борилади. Директор кўп ҳолатларда корхона фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича ўзининг муовинларига эга. Масалан, техника ва технология, ишлаб чиқариш, фан, иқтисод, молия ва ҳоказолар бўйича.

Корхоналарни бошқариш аппаратига турлича хизматга оид бўлимлар мавжуд бўлади. Уларни амалиётда маъмурий-бошқариш ходимлари деб аталади. Одатда корхона бўлимларини бошқариш ишлаб чиқариш (корхонани бошқарадиган) ва функционал қисмларга (молия, таъминот, сотиш, кадрлар, технология, иш юритиш, ташқи иқтисодий алоқаларни бошқариш) бўлинади. Ҳаммасини умулаштириб раҳбарлар, мутахассислар ва техник ижрочилар деб ҳам атасак бўлади.

Корхона тизимида бўлинма, цех, бўлим, лабораториялар ва бошқа бўлимларни кўрсатиш мумкин. Ҳаммасида ўзининг бошқариш органлари мавжуд.

Корхонани бошқариш асосида чизиқли ва функционал усули ётади. Шунини қайд қилиш жоизки, ҳар қандай ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида чизиқли усул ётади. Тизимнинг ичида бўғин ва пағоналарни бири-биридан фарқ қилиш лозим. Бўғин бу алоҳида функцияларни бажарувчи мустақил бўлинмадир. Бошқариш бўғини тушунчасига шунингдек, бир неча ташкилий тизилмаларни фаолиятини раҳбарлигини амалга оширувчи раҳбарларни кўрсатиш мумкин. Буларга бош муҳандис, бош технолог, смена бошлиқлари ва ҳоказолар киради.

Бошқариш пағонаси бу бўғинларнинг йигиндиси ҳисобланади. У бошқариш иерархиясини белгилайди (куйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсиниши). Бошқариш тизимидаги чизиқли бўлимлар бўйругини бажариш унга бўйсинадиган ҳамма бўлимлар учун шарт ҳисобланади. Чизиқли бошқариш берилган фармойиш ва вазифаларни бажарилишида англашмовчилик келиб чиқишига имкон бермайди. Чунки ушбу вазифалар бир раҳбар томонидан берилади. Шу билан

раҳбарлик бирлиги таъминланади, раҳбарларнинг ўзларига беркитилган бўлимлар учун маъсулияти ошади.

Чизиқли бошқариш тизимини жорий қилиш бутун бошқариш механизмининг самарали ҳаракатини таъминлайди. Шунинг учун ҳам чизиқли бошқаришни рационал ташкил қилиш бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Биринчидан, бўйсинадиган пагоналарнинг сони қанча кам бўлса, уни бошқариш шунча осон бўлади. Иложи борича кам одамлар бошқариш жараёнига аралашади. Бу эса бошқариш объектини ҳолатини барқарорлигини таъминлаш имкониятини тўғдиради. Иккинчидан, чизигли бошқаришни самарали ҳаракат қилиши шароитларидан бири буйруқларни пастки бўғинларга уни бевосита раҳбари томонидан берилиши ҳисобланади. Масалан, завод директори цех бошлиги хабарисиз, яъни бевосита цех устасига буйруқ берилиши нотўғри ҳисобланади. Амалиётда агар бундай ҳолатлар учраб қолса, демак чизиқли бошқариш тамойили бузилган ҳисобланади. Учинчидан, чизиқли бошқариш тизими раҳбарлар ва бўйсинадиган шахсларнинг рационал нисбатини ҳисобга олган ҳолда тузилиши лозим. Раҳбар ва бошлиқлар сонининг кўплиги, одатда маъсулиятсизликни келитриб чиқаради ва бошқариш оперативлигини сусайтиради.

Корхонани бошқариш тизимининг барпо қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган иккинчи тамойил бу функционал тамойилдир. Бу тамойил чизиқли бошқариш тизимидаги раҳбарлар ўртасидаги меҳнат тақсимотидан келиб чиқади. Бунинг маъноси шундан иборатки чизиқли бошқариш тизимининг ҳар бир бўғини маълум функцияни, ёки унинг бир қисмини бажаради. Функционал бошқаришнинг зарурияти ишлаб чиқариш тизимининг мураккаблиги ва бу жараённинг хилма-хиллигидан келиб чиқади. Ушбу хусусиятлар маълум даражада турли соҳалар бўйича махсус билимга эга бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам корхонани бошқариш ва бу жараён билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш учун кўп меҳнат ва кўпчилик одамларнинг вақти керак бўлади.

Функционал бошқариш бу алоҳида функциялар бўйича бошқаришни амалга оширишдир. Ҳар бир функционал бўлинманинг ўзининг раҳбари бўлади. Улар ҳам яккабошчилик тамойили асосида ҳаракат қилади. Функционал бўғинларнинг ҳамма раҳбарлари корхонани чизиқли бошқариш тизими таркибига киради. Бу асосда чизиқли ва функционал бошқаришнинг бирлиги таъминланади.

Функционал бошқариш куйи поғонадаги бўлимлар фаолиятини раҳбарлигини таъминлаб, бир функция доирасидаги масалаларни ҳал қилади. Яъни, уни бошқариш доираси ва ечадиган масалалари чегараланган бўлади. Функционал бўлинманинг раҳбарлари пастки бўғинларга маъмурий фармойишлар бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Шунинг қайд қилиш жоизки, ушбу сертармоқ ва мураккаб бошқариш нисбатан катта корхоналар учун хосдир. Унча катта бўлмаган корхоналарда бу ҳол анча оддий кечади.

## **5. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш чуқур ислохотларни амалга оширишни талаб қилади. Барча корхона ишлаб чиқаришни интенсивлаштирувчи тадбирларни амалга ошириши зарур. Самарали ташкил этилган иқтисодиётга ўтиш ҳар тамонлама ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан таъминланган бўлиши лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи энг муҳим омил - бу фан ва техника тараққиёти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Охирги вақтларгача фан-техника тараққиёти эволюцион тарзда ривожланиб келди. Натижада амалдаги технологиялар такомиллашиб, машина ва ускуналар қисман замонавийлашди. Бундай натижа сезиларли, лекин кутилганидек эмас эди.

Янги техникалар бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш етарли даражада эмас эди. Бозор муносабатларини шакллантиришнинг ҳозирги шароитида фан ва техниканинг охирги ютуқлари



асосида иқтисодиётнинг барча тармоқларида янги техника ва технологияларни жорий қилишга қаратилган революцион ва сифатий ўзгаришларни амалга ошириш лозим.

Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

\* илгор технологияларни кенг ўзлаштириш: юқори босим ва таъсирчан кучлар қўлланиладиган мембранали, лазерли, плазмали технологиялар ва бошқалар;

\* ишлаб чиқаришни автоматлаштириш - юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи робот техникалар, роторли ва ротор - конвейр линиялар, мосланувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

\* металл маҳсулотлар, пластик қоришма, композитлар, металл куқунлар, керамик ва бошқа прогрессив тузулишли материалларнинг янги шакллари яратиш ва ундан фойдаланиш.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида энг муҳим тадбирлар фан-техник характерига эга бўлади. Фойданинг катта қисми, солиқлар тўлангач, корхоналар ихтиёрида қолади. Бундай ҳолат меъёрий эмас. Бозор муносабатлари ривожланиб бориши билан корхоналар келажакдаги ишлаб чиқаришни ривожлантиришга етарли эътибор бера бошлайдилар. Янги техникаларга, ишлаб чиқаришни янгилашга, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга зарурий воситаларни йўллайдилар. Ундан ташқари, ташкилий шарт-шароитлар ва омиллар, конструкторлар, инженерлар, ишчилар ижодий меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий мотивлар яратиш зарур. Техник ва технологик янгиланишлар, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар меҳнат унумдорлигининг ошишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бунинг учун янги техника ва технологияларни жорий қилишни таъминлаш, ишлаб чиқаришга меҳнатни илмий ташкил этишнинг прогрессив шакллари жорий қилиш, уни меъёрлашни такомиллаштириш, меҳнат маданиятини ошириш, тартиб-интизомга эришиш, меҳнат жамоасининг барқарорлигини таъминлаш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи яна бир муҳим омил бу - тежамкорлик ҳисобланади. Ресурсларни тежаш ёнилғи, энергия, хом-ашё ва материалларга бўлган ўсиб боровчи талабни қондиришининг асосий манбаига айланиши лозим. Бу муаммоларни ечишда саноат асосий ўринни эгаллайди. Бу тармоқда хом-ашё ва ёнилғи-энергетик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган машина ва ускуналарни жорий қилиш лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий даромад бирлигига ҳисоблаганда бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда ёнилғи, электроэнергия, металллар сезиларли даражада кўп сарфланаяпти. Бу эса катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишда ресурсларнинг тақчиллигига олиб келади. Шунинг учун, мамлакат машинасозлигини тубдан замонавийлаштириш зарур. Бу эса фан-техник тараққиёти негизда бутун иқтисодийни модернизация қилишнинг муҳим шартидир. Бунга эришишга қаратилган узок муддатли, стратегик мақсадлар аҳолининг зарурий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш билан уйғунлашмоғи лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши кўп ҳолларда асосий фондлардан яхшироқ фойдаланишга боғлиқ бўлади. Мавжуд иш-лаб чиқариш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ускуналарни макси-мал даражада иш билан таъминлаш, унинг сменалигини рационал ошириш ва шу асосда ҳар бир ускуна бирлигига ва ҳар бир метр квадрат ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини ошириш зарур.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштирувчи ва унинг самарадорлигини оширувчи омиллардан бири - иқтисодийнинг таркибини такомиллаш-тириш. Фан-техника тараққиётини таъминлайдиган ва ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қиладиган тармоқларни нисбатан юқори даражада ривожлантириш зарур.

Инвестицион сиёсат капитал қўйилмалар самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилган. Маблағларни фан-техника тараққиётини тезлаштиришни таъминловчи тармоқлар фойдасига қайта тақсимлаш лозим.

Маблағларнинг катта қисми фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга ва реконструкция қилишга йўналтирилиши керак.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида фан-техника тараққиётининг асоси ҳисобланган машинасозлик тезкор ривожлантирилиши лозим. Бунда асосий эътибор станоксозлик, электротехника саноати, микроэлектроника, ҳисоблаш техникаси, приборсозлик, информатика индустриясига қаратилиши керак.

Ёнилғи-энергетика баланси таркибини яхшилаш, хавфсизлиги максимум даражада таъминланган атом энергетикасини ривожлантириш билан биргаликда олиб борилади. Бунинг учун эса иқтисодиётнинг барча тармоқларида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилиб бориши лозим.

Ижтимоий ишлаб чиқаришни таркибий қайта қуриш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим: халқ истеъмоли товарлари ва барча турдаги хизматлар ишлаб чиқаришни тезкор оширишни таъминлаш; кичик корхоналарни ривожлантириш; ҳарбий ишлаб чиқаришни конверсиялаш; ишлаб чиқариш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш; транспорт, электр, нефт ва газ таъминоти тизимини ҳамда алоқа ва ахборот таъминотини яхшилаш.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий ўринлардан бирини (бошқарувни ўз ичига олувчи) ташкилий-иқтисодий омиллар эгаллайди. Ижтимоий ишлаб чиқариш масштабининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан унинг роли ортиб боради. Энг аввало, бу ишлаб чиқаришнинг рационал шаклларини ривожлантириш ва такомиллаштириш демакдир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси ҳам ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Уни ривожлантириш талаб қилинади. Бу бошқариш, режалаштириш, барча хўжалик механизмларини иқтисодий рағбатлантиришнинг усуллари ва шаклларини такомиллаштириш; режалаштиришда - режаларнинг оптималлиги ва ҳаққонийлиги, иқтисодиётнинг қуйи бўғинларига тўсқинлик қилмасдан, фаолияти учун имкониятлар яратадиган режали

кўрсаткичларнинг оптимал тузилган тизимини яратишни тақозо қилади. Ушбу омиллар тизимига қуйидагилар ҳам киради: тижорат ҳисоби ва моддий рағбатлантириш дастаклари, моддий жавобгарлик ва бошқа иқтисодий рағбатларнинг кенг қўлланилиши.

Самарали хўжалик юритиш муаммосини ҳал қилишда, ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни яратиш ҳамда уни амалиётга жорий қилишда асосий ўринлардан бирини фан ўйнайди. Фан-техника тараққиётини тезлаштиришнинг актуал муаммолари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш лозим. Бу эса ишлаб чиқаришнинг меҳнат, материал ва энергия сифимини камайтиради ҳамда маҳсулот сифатининг ошишига олиб келади.

Бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи барча омилларнинг таъсир қилиш имконияти сезиларли ўзгаради. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилади, - у истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, унга мослаштирилади; иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари - саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа юқори технологиялар асосида замонавийлаштирилади; жаҳон фан-техника тараққиёти даражасига тенглаштирилади; хўжалик юритишнинг барча шакллари эркин ривожлантирилади; иқтисодиёт молиявий соғломлаштирилади; мамлакат халқаро алоқаларга узвий боғланади.

Юқорида таъкидланганлар натижасида бошқариладиган, маданиятли бозор хўжалиги шаклланади. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига, жами ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, миллий бойликнинг ортишига олиб келади.

## Хулоса ва таклифлар

Саноат корхонаси фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлигини таҳлили ва уни ошириш йўллари йўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга имконият берди:

1. Самарадорлик дейилганда, мулк шаклидан қатъий назар, барча мавжуд ресурсларнинг самарали фойдаланиши ва харажатларнинг тежамкорлигини таъминлаш эвазига жамият, давлат, мулкдор, корхона, иш кучи соҳиби каби субъектларнинг манфаатлари муштараклигини таъминлашга қаратилган, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг асосий мақсади тасарруфидаги барча ресурслардан максимал даражада фойдаланиш асосида юқори натижаларга, яъни самарадорликка эришиш ҳисобланади.

3. Саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда мавжуд ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим ўринни эгаллайди. Асосий фондлар самарадорлиги таҳлил қилиш ҳозирги шароитда кўшимча маблағ сарфламасдан кўпроқ товарлар сотишга, пировард натижада эса фойданинг кўпайишига олиб келади.

4. Корхонада жами даромад манбалари 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 3086131 минг сўмга ортган. Жами даромад таркибидаги махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келган соф тушум салмоғи 2013 йилдаги 99,46 % дан 2014 йилга келиб 90,2 % га қадар пасайганлигига қарамай ўсиш мутлоқ суммаларда 1601829 минг сўмни ташкил этган. Даромадлар таркибидаги молиявий фаолиятнинг даромадлари ҳам ўсиш кўрсаткичига эга, яъни 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 14905 минг сўмга кўпайган. Даромадни ташкил этувчи асосий фаолиятнинг бошка даромадларининг улуши 2013 йилда 0,51 % ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 9,7 % га етиб, ўсиш мутлоқ суммаларда 1469397 минг сўмни ташкил этган (1-жадвал).

5. Корхона ҳаражатлари 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 3081446 минг сўмга ортган. Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннархининг жами ҳаражатларда тутган салмоғи 2013 йилдаги 85.9 % дан 2014 йилга келиб 85.6 % га қадар пасайганлигига қарамай ўсиш мутлоқ суммаларда 2597567 минг сўмни ташкил этган. Ҳаражатлар таркибидаги молиявий фаолиятнинг ҳаражатлари ҳам ўсиш кўрсаткичига эга, яъни 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 715976 минг сўмга кўпайган. Давр ҳаражатлари эса 2013 йилда 1156746 минг сўмни ташкил этган бўлса 2014 йилда бу кўрсаткич 892349 минг сўмни ташкил этиб 264397 сўмга камайган (2-жадвал).

6. Фан ва техника тараққиёти бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

1. Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари қуйидагилар:

\* илгор технологияларни кенг ўзлаштириш: юқори босим ва таъсирчан кучлар қўлланиладиган мембранали, лазерли, плазмали технологиялар ва бошқалар;

\* ишлаб чиқаришни автоматлаштириш - юқори меҳнат унумдорлигини таъминловчи робот техникалар, роторли ва ротор - конвейр линиялар, мосланувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

\* металл маҳсулотлар, пластик қоришма, композитлар, металл куқунлар, керамик ва бошқа прогрессив тузулишли материалларнинг янги шаклларини яратиш ва ундан фойдаланиш.

2. Тежамкорлик ҳисобланади. Ресурсларни тежаш ёнилғи, энергия, хом-ашё ва материалларга бўлган ўсиб борувчи талабни қондиришининг асосий манбаига айланиши лозим. Бу муаммоларни ечишда саноат асосий ўринни эгаллайди. Бу тармоқда хом-ашё ва ёнилғи-энергетик ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайдиган машина ва ускуналарни жорий қилиш лозим.

3. Асосий фондлардан яхшироқ фойдаланиши. Мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ускуналарни максимал даражада иш билан таъминлаш, унинг сменалигини рационал ошириш ва шу асосда ҳар бир ускуна бирлигига ва ҳар бир метр квадрат ишлаб чиқариш майдонига тўғри келадиган маҳсулот миқдорини ошириш зарур.

3. Иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштириш. Фан-техника тараққиётини таъминлайдиган ва ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қиладиган тармоқларни нисбатан юқори даражада ривожлантириш зарур.

4. Ташкилий-иқтисодий омиллар. Ижтимоий ишлаб чиқариш масшабининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан унинг роли ортиб боради. Энг аввало, бу ишлаб чиқаришнинг рационал шакллари ривожлантириш ва такомиллаштириш демакдир.

5. Ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси. Бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи барча омилларнинг таъсир қилиш имконияти сезиларли ўзгаради.

Юқорида таъкидланганлар натижасида бошқариладиган, маданиятли бозор хўжалиги шаклланади. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ошишига, жами ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, миллий бойликнинг ортишига олиб келади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон –бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1993.
4. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи. 2015 йил 17 январь.
5. Абдукаримов Б. А. ва бошқалар Корхона иқтисодиёти. Дарслик .- Т.: Фан ва технология, 2013.
6. Дадабоев Ю., Худойбердиева А. Корхона иқтисодиёти.–Андижон.; “Andijon”, 2002.
7. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 1-қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.
8. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. 2-қисм.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2001.
9. “Самарқанд пахтасаноат” ОАЖнинг 2013-2014 йиллардаги статистик ҳисоботлари.

### **Интернет сайтлари**

10.[www.google.uz](http://www.google.uz)

11.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

12.[www.lex.uz](http://www.lex.uz)



**“Иқтисодиёт” кафедраси мудири  
Ш.А.Султоновга  
“Иқтисодиёт” таълим йўналиши  
3-курс, ИК-112 гуруҳ талабаси  
С.Абраловдан**

## **АРИЗА**

Менга **“Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари”** мавзуси бўйича курс иши ёзишга рухсат беришингизни сўрайман.

Курс иши **“Самарқанд Парранда” ОАЖ** қўшма корхонаси маълумотлари асосида бажарилади.

**Сана**

**Талабанинг имзоси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири \_\_\_\_\_

“\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

«Иқтисодиёт ва менежмент» факультетининг «Иқтисодиёт» таълим йўналиши Ик-112 гуруҳ талабаси С.Абралов га

**КУРС ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ**

1. Курс иши мавзуси: “Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари”

2. Курс иши буйича бирламчи маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишлари, мавзуга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнлари, интернет сайтлари ҳамда статистик маълумотлар.

3. Курс иши режаси ва бажарилиш муддатлари:

№	Курс иши бўлимлари номи	Бажарилиш муддатлари (намуна)
	<b>Кириш</b>	01.11-05.11.2014
1	Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти ва корхона фаолиятидаги аҳамияти	06.11-15.11.2014
2	Ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезонлари ва кўрсаткичлари	16.11-25.11.2014
3	“Самарқанд Парранда” ОАЖ қўшма корхонаси даромад ва харажатларнинг таҳлили	26.11-30.11.2014
4	Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш бўғинларини бошқаришнинг аҳамияти	01.12.-10.12.2014
5	Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	11.12.-20.12.2014
	Хулоса ва таклифлар	21.12-25.12.2014
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	21.12-25.12.2014
	Иловалар	21.12-25.12.2014

Топшириқ берилган сана: “\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Тугаган курс ишини топшириш муддати: “\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Курс иши рахбари:

\_\_\_\_\_

*имзо*

\_\_\_\_\_

**Ф.И.Ш.**

Топшириқни олдим:

\_\_\_\_\_

*имзо*

\_\_\_\_\_

**Ф.И.Ш.**